

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Олий таълимнинг
340000- «Бизнес ва бошқарув» соҳаси
5А340301- «Маркетинг» (Ташқи иқтисодий фаолият)
мутахассислиги талабалари учун

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ
кафедраси

«Ташқи иқтисодий фаолиятда коммуникациялар тизими»
фани бўйича

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Тошкент 2009

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
ТДИУ Магистратура Кенгашида кўриб
чиқилган ва тасдиқланган

Кенгаш раиси _____ Ҳакимов Р.
« ___ » _____ 2009 й.

«МАЪҚУЛЛАНГАН»
«Халқаро иқтисодий муносабатлар» факультети
Илмий кенгашида муҳокама қилинган ва маъқулланган
Кенгаш раиси _____ доц. Д.Набиев
« ___ » _____ 2009й

«Тавсия этилган»
«ТИФ»
кафедраси мудири _____ и.ф.д. проф. Ё.К.қориева
Баённома № _____ « ___ » _____ 2009йил

Такризчилар: проф. Шермухамедов А.Т.

проф. Азизов К.Х. ТАЙИ
«Ҳаракат хавфсизлигини
ташқил этиш» кафедра
мудири

Тузувчи: и.ф.д. проф. қориева Ё.К.

КИРИШ

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, мамлакатни дунё ҳамжамиятига кириш ва у билан боғлиқ ахборотлар алмашувини коммуникацияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, негаки ахборот алмашувининг бажарилиши янги глобал ахборот тизими ва коммуникациялар асосидагина амалга оширилади.

Ушбу маърузалар матни транспорт ва телекоммуникациялар тарихи ва улар тўғрисидаги маълумотларни жаҳон амалиёти билан боғлаган ҳолда, шунингдек Ўзбекситоннинг янги ахборот технологиялари ва интернет тизимига киришининг ўзига хос хусусиялари каби материалларни ўз ичига қамраб олади.

Бундан ташқари маъруза матнида коммуникацияларга бўлган талабни ўрганишда маркетинг, электрон савдони амалга ошириш, телекоммуникация ва ахборотлар логистикаси каби янги маълумотлар киритилган.

Шунингдек маъруза матнида ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш, рисклар мониторинги, телекоммуникацияларни қўллаш ва ривожлантиришда либераллаштириш даражасининг ҳисоб — китобини амалга ошириш, статистик маълумотлар тизимини шакллантиришда коммуникацияларнинг роли тўғрисида аниқ ёритиб берилган.

Мавзу — 1. «Коммуникациялар тизими» предмети, мазмуни ва вазифалари.

- 1.Фаннинг мазмуни ва вазифалари;
- 2.Фаннинг вазифалари;
- 3.Фаннинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.
- 4.Коммуникацияларнинг глобаллашув жараёндаги роли.

Таянч иборалар:

Телекоммуникация, глобал ахборот технологиялари; Интернет; ахборот тизими; компьютерлаштириш; коммуникация; уяли телефон; инфратузилма; электрон савдо; глобаллашув.интеграциялашув жараёнлари.

Инсоният фаолиятининг барча соҳаларда глобаллашуви ахборотлар алмашуви ва компьютерлаштиришининг дунё тенденцияси билан ҳамоҳанг равишда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг тармоқлараро мувофиқлаштириш кенгашининг мажлисида кўрилган умумий масалаларни ҳал этишда ўта муҳим ҳисобланган телекоммуникацияларни тез ривожлантиришга, асосий диққат— юлтиборни қаратилди. Миллий ахборот тизимини шакллантириш, Интернет тизимига ва бошқа глобал ахборот тизимларига ва технологияларига, мамлакат салоҳиятини ХХІ асрда ўсишини таъминловчи омил сифатида қараш лозимлигини уқтирди.(2)

Шу муносабат билан ўқув фанининг мақсад ва вазифалари юзага келади.

Ўқув фанининг асосий мақсадлари қуйидагилар:

— мамлакат иқтисодиётида, халқаро иқтисодий фаолиятда ва муносабатларда ахборот тизими ва телекоммуникацияларнинг аҳамияти, роли ва самарадорлиги билан талабаларни таништириш;

—телекоммуникация ва ахборот тизими борасида жаҳон тажрибасини ўрганиш;

мамлакатимиздаги ахборот тизимининг аҳолини ўрганиш;

миллий ахборот тизимини яратиш муаммоларини таҳлил этиб уни ривожлантириш кўникмаларини ҳосил қилиш ва бу билимларни халқаро иқтисодий фаолиятда тадбиқ этиш имкониятларини ўрганиш.

Фаннинг асосий вазифалари

жамиятни, иқтисодий, ташқи иқтисодий фаолиятни, ахборот технологиялари ва телекоммуникацияларни. Ўзбекистон дунё ахборот тизимига кириши масалаларининг тадқиқоти;

-телекоммуникация ва ахборот технологиялари

классификациясининг тизимини амалга ошириш;

«Интернет» тизими ва глобал ахборот тизимига кириш муаммоларини ҳамда уларнинг ечимларини излаш;

Ўзбекистоннинг Миллий ахборот тизимини шакллантириш принципларини тадқиқот этиш ;

Ахборот тизими фаолиятини таҳлил қилиш, уни бошқариш ва такомиллаштириш кўникмаларини талабаларда ҳосил қилиш;

Телекоммуникация ва ахборот тизимини, Интернет тизими ва бошқа, глобал тизимлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўникмаларини талабаларда пайдо қилиш.

Бакалавр кўйидагилар тугрисида тушунчага эга бўлиши лозим:

-телекоммуникация, ахборот технологиялари, иқтисодий ва халқаро фаолиятнинг ўзаро манфиқий алоқаси;

ахборот технологиялари турлари афзалликлари ва қўлланиш кўлами;

жаҳоннинг илғор давлатларида ахборот тизимининг ривожланиш дажаси ва уларни Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари;

Интернет тизимида ва бошқа глобал ахборот технологиялар; алоқа турлари уларга бўлган талабни аниқлаш ва улардан фойдаланиш имкониятлари; телекоммуникация ва ахборот технологияларига бўлган талабни бошқариш усуллари; коммуникацияларни ривожлантиришнинг иқтисодий манбалари; давлат бошқарувининг ахборот таъминоти тизими; Миллий ахборот инфратузилмасини яратишнинг концепцияси; халқаро электрон савдони амалга ошириш усуллари; телекоммуникация ва ахборот технологияларининг логистик тармогини ташкил этиш; ахборотлар технологияси ва алоқа тизимининг самарадорлиги ва бошқалар.

Халқаро иқтисодий фаолиятда телекоммуникация ва ахборот тизими курсиёти ижтимоий, иқтисодий, табиий ва техника фанлари билан узвий боғлиқдир.

Халқаро алоқаларни йўлга қўйиш, иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, телекоммуникация, алоқа воситалари, ахборот технологиялари, статистик маълумотлар тизимини шакллантириш, ушбу технологиялардан фойдаланиш даражасини аниқлаш ва

бошқариш факатгина иктисодиётга ва техникага оид билимлар асосида амалга оширилиши мумкин.

Агарда ахборот технологияларининг корхона, ташкилот ва давлатнинг ички ва хорижий фаолиятида кўлланилиши, бошқарилиши ва самарадорлик чегараларини аниклаш, урганиш, таҳлил атиш ва биринчи навбатда математика, физика, маркетинг, менжмент тўғрисида билимлар. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, савдо-иқтисод туғрисидаги меъёрий ҳужжатлари, халқаро бтимлари ва бошқаларни билиш керак бўлади.

«Халқаро иқтисодий фаолиятда телекоммуникация ва ахборот тизими» фани ўқув режасида кўзда тутилган барча фанлар билан, энг асосан: «Маркетинг ва бошқарув», «Ташкилотларнинг халқаро иқтисодий фаолияти», «Маркетингда бизнес режелаштириш», «Товар бозорининг инфратузилмаси», «Халқаро иқтисодий фаолиятда транспорт таъминоти». «Статистика» фанлари билан бевосита боғлиқдир.

«Халқаро иқтисодий фаолиятда телекоммуникация ва ахборот тизими» фанини ўқитишда муаммовий дарслар, очик дарслар янги технологиялари», «Электрон савдо» янги технологияси, «Интернет» тизими, компьютер техникаси, глобал ахборот технологиялари, ЮНИДО нинг дастур таъминоти ва унинг электрон версияси GOMFAR III Expert, дарсларни ўтишнинг фаол услубиёти, думалоқ стол устида дарслар, "аклий хужум", бизнес жараёнларнинг реинжениринги, логистика ва бошқалар.

Телекоммуникацияни, янги ахборотлар технологиясини кўллаш-корхона, ташкилот ва давлат идоралари фаолиятини ташкил этиш, бошқариш, мувофиқлаштириш статистик ахборотларни жамлаш ва таҳлил этиш, ҳамда улар бўйича хулосалар, чиқариш бўйича билимларли ўзлаштиришни осонлаштиради ва ■интенсивлаштиради, қоғоз сарфини кескин камайтиради, адабиётлардан электрон версиялар орқали кенг фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

Ахборот тизимларига бўлган бозор конъюктурасини таҳлил килиш ва бошқарувда энг оптимал ечимларни топишни таъминлайди. Курсиётни ўқитишни бошлаш гуманитар, ижтимоий, иқтисодий ва табиий фанларни ўқитишдан сўнг бўлиши лозим. Ушбу фанни ўзлаштиришни яхшилашга қўйидаги курсиётларни фаол ўрганиш ёрдам беради:

«Ташкилотларнинг халқаро иқтисодий фаолияти», «Статистика», «Менежмент ва ракобат», «Логистика», «Хисоблаш техникаси», «Халқаро иқтисодий фаолиятда транспорт», таъминоти ва бошқалар.

Фанни ўрганиш миллий ва хорижий муаллифларнинг асарларини чуқур ўрганиш, рефератлар ёзиш, мустақил таҳлиллар,

семинар ва конференцияларда маърузалар қилиш, илмий мақолалар ёзиш билан қўшиб олиб борилиши лозим.

Назорат учун саволлар.

- 1.Ташқи иқтисодий фаолиятда телекоммуникация ва ахборот тизими» фанининг олий ўқув юртлари ўқув дастурларига киритилишининг сабаби нимада?
- 2.Фаннинг вазифалари нималардан иборат?
- 3.Фанни ўрганиш талабаларда қандай кўникмаларни ҳосил қилади?
- 4.Фанни ўрганиш учун бошқа қайси фанларни яхши ўзлаштириш лозим?
- 5.Ушбу фандан олган билимлар корхона, ташкилот ва фирмалар фаолиятини яхшилашга қандай таъсир кўрсатади?
- б.Фанни мукамал ўрганиш учун қайси адабиётлардан фойдаланиш мумкин?

Изоҳли луғат:

Ахборот технологияси— ахборотга ишлов бериш, узатиш, излаш, сақлаш ҳамда йиғишнинг усули — услублари тизими.

Янги ахборот технологияси — компьютерни тадбиқ қилишга асосланган технология.

Иқтисодий ахборотлар(ИА) — режавий, башоратли, меъёрий, технологик лойиҳалашларга оид маълумотлар.

Маълумотлар базаси— муайян соҳадаги масалаларни аниқ қоида бўйича ечиш учун зарурий маълумотлар тўплами.

Семантик таҳлил—ахборотнинг алоҳида унсурлари мазмунини тафаккур (фикрий) нуқтаи — назаридан ўрганишдир.

Прогматик таҳлил— бошқарув учун фойдаланилган ахборотларни аниқлаш.

Коммуникация- лотинча «communication» боғланаман демакдир.

Глобал— турли давлатларнинг ягона ахборот макони яратиш бўйича қилаётган конструктив ишларига кўмак беради.

Мавзу—2. Телекоммуникацияларнинг таърифи ва классификацияси

1. Телекоммуникация ва ахборот технологияларининг ривожланиш йўналишлари.
2. Телекоммуникацияларнинг тарифи.
3. Ахборот технологияларининг классификацияси
4. Телекоммуникация ва ахборот технологияларини ривожлантиришга қўйиладиган талаблар.

Охирги пайтларда инсон фаолиятининг барча сахаларига, жумладан, иқтисодий жараёнларни бошқариш соҳасига ҳам шахсий компьютерлар босқичма—босқич кириб келди. Ҳозирги пайтга келиб, компьютерлаштириш ўзининг янги поғонасига кўтарилиб, кейинги ўн йилликда шахсий компьютерлар ва универсал ЭҲМ лар базасида ахборот тизимларини яратиш ва тадбиқ қилиш фаол амалга оширилмоқда. Бу тизимларни яратишда асосий эътибор кенг қамровли ва тақсимланган тармоқларни (шоҳобчаларни) ривожлантиришга қаратилмоқда, чунки бу шоҳобчаларни ривожлантирмасдан туриб ахборотлаштиришнинг замонавий масалаларини ҳал қилиш мумкин эмас. Бундай шароитда ЭҲМ ва бошқа техник воситалар ёрдамида ахборотларни жамлаш, узатиш, сақлаш, уларга ишлов бериш усуллари ва услубларини ўрганиш билан шуғулланувчи илмий —амалий фан бўлган информатика учун ахборотларни ҳар томонлама тадбиқий ишларда ахборот технологияларини яратиш учун информатика усулларида амалий фойдаланишнинг янги ҳамда жуда кенг имкониятлари очидди.(7)

Ахборот технологиясининг вужудга келган дастлабки йиллардан бошлаб, улардан турли хил иқтисодий объектларнинг (корхона, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқарувчи соҳаларининг) ахборот типийларида фойдаланиш билан бу технологиянинг орасида бевосита алоқа мавжуд бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга ахборот технологияси ҳам маълумотларга ишлов беришнинг мустақил тазими сифатида, ҳамда бошқа бир қанча катта тизимлар доирасида бошқариш жараёнларини таъминловчи функционал компонентлар сифатида жорий этилди.

Бундай тизимларга мисол сифатида саноат корхоналари, фирмалар, корпорациялар, молия — кредит ва тижорат ташкилотларидаги ишлаб чиқариш ва хўжалик жараёнларини автоматлаштирилган бошқариш, илмий тажриба маълумотларига ишлов бериш тизимларини кўрсатиш мумкин.

Ахборот технологияларининг яратилиши, ишлаб туриши ва кенг тарқалишидан мақсад мамлакатдаги бутун ҳаётий фаолиятни ва жамиятни ахборотлаштиришни ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишдан иборат. Жамиятни ахборотлаштириш дейилганда инсон фаолиятидаги ижтимоий аҳамиятга молик билимларни умумлаштирувчи, ишончли ахборотлардан тўлиқ ва уз вақтида фойдаланишни таъминлашга йўналтирилган (мўлжалланган) тад-бирлар мажмуасини ҳар жойда тадбиқ қилиш тушунилади.

Янги ахборот технолнгиясини ҳар жойда тадбиқ қилиш бошқарувнинг ҳамма поғоналарида қабул қилинадиган қарорларнинг самарадорлигини ошириш, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг иқти-содий кўрсаткичларининг нафакат ўсишини таъминлайди, балки атроф муҳитни химоя қилиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, янги иш жойларини ташкил этиш, ишлаб чшқаришни ривожлантиришга йўналтирилган фундаментал ва амалий фондларга янги илмий ютуқларни қўлга киритишни назарда тутди.

Иктисодий ривожланган мамлакатларнинг (АҚШ, Англия, Япония) тажрибаси шуни кўрсатадики, жамиятни ахборотлаштириш муаммосини ҳал қилиш тарққитининг глобал (кенг миқёсдаги) мақ-садидан иборат бўлиб, уни янги минг йилликда мамлакатлар цивилизациясининг янги поғонасига кутарилиши билан боғламоқдалар. Бундай мақсадга қаратилган фаолият асосида ахборот инфратузилмасини яратишнинг узок муддатли дастури ётади. Ахборот инфратузилмаси тушунилади ва уларга автоматлаштирилган алоқа тизимлари ва ахборот-ҳисоблаш ресурсларини кенг тадбиқ этиш базасида янги ахборот технологиясидан фойдаланиш имкониятини беради. Масалан. АҚШ «Миллий ахборот инфратузилмаси» дастури ишлаб чиқилган бўлиб. у энг катта истикболга эга бўлган дастур ҳисобланади.

Республикамиз мустақилликка эришгач, мамлакатимизни ривожланган давлатлар каторига қўшиш учун бир қанча дастурлар ишлаб чиқилди. Шунинг билан бирга давлатимизнинг ахборот инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Бунга яққол мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 8 декабрь қарори билан Фан ва техника Давлат Қўмитаси (ФТДК) қошида Ахборотлаштириш бўйича бош бошқарма (Бошахбор) тузилганлигини кўрсатиш мумкин. Ахборот-лаштириш жараёнини ривожлантиришнинг ҳуқуқий таъминоти яра-тилган бўлиб. унинг асосини ахборотлаштириш ҳақида (1993 йил, май), ҳамда ЭҲМ ва маълумотлар базаси учун дастурларни ҳуқуқий муҳофазалаш ҳақидаги (1994йил, май) қонунлар ташкил этади. Ҳо- зирги пайтда Ўзбекистон Республикасини ахборотлаштириш концеп-цияси ишлаб чиқилган бўлиб, унда олдинга қўйилган масалалар ҳал этилмоқда.

Турли хил ташкилот ва корхоналарни кенг миқёсда ХТ билан таҳминлаш амалга оширилмоқда. Турли хил техник воситалар, шу

жумладан бир бирдан тезкорлик даражаси юкори, ахборотларга ишлов бериш тизимидан фойдаланиш имконияти билан фарқ килувчи шахсий ва мультпроцессорли компьютерлар тадбик этилмоқда. Шундай қилиб, ахборот инфратузулмасининг «моддий таъминоти асосини ташкил этувчи техникавий, дастурий ва телекоммуникация воситалари яратилмоқда. Келгусида махсус равишда янги оптик толали алоқа тармоги куриш мўлжалланмоқда.

Инфратузилманинг кейинги ривожланиши натижасида корхо-наларда, банк, молия ва тижорат ташкилотларининг автоматлаштирилган офисларида, жаҳон телекоммуникация тармоқларида маълумотларни ҳимоялаш ва текширишни ўз ичига олувчи, ҳужжатларга ишлов бериш буйича хизматларнинг тўлиқ спектрини фойдаланувчиларга таклиф қилишни ҳисобга олган ҳолда ишлаб туриши учун ҳақиқий шароит яратилган бўлиши зарур.

Инсоният фаолиятининг ҳамма қирраларини кенг кўламли суръатларда ҳисоблаш техникаси билан таъминланганлиги (куролланганлиги), ахборот ва телекоммуникация ресурсларидан са-марали фойдаланиши соҳасида профессионал билимга эга бўлган кадрларни тайёрлаш масаласини кўяди. Бу ахборот инфратузилмаси таракқиётининг энг муҳим шартларидан биридир. Бошқарув, ишлаб-чиқариш, молия-кредит ва бошқа соҳаларда ишлаётган (ахборот ти-зимларининг охиғи фойдаланувчиларига) мутахассисларга ҳам янги ахборот технологияси ишлаб турган шароитда самарали ишлаши учун юкори талаблар қўйилади. Шунинг учун ҳар қандай иқтисодчининг фаолиятида информатика ва унинг таркибий қисми бўлган ахборот технологияси муҳим ўрин эгаллайди.

Дастлабки пайтларда ахборот деганда одамлар бир-бирига оғ-заки, ёзма ёки бошқа усулда, яъни шартли сигналлар, техник воситалар ва шунга ухшашлар ёрдами билан узатиладиган хабар ва маълумотларни тушунган. XX асрнинг урталаридан бошлаб ахборот умуммиллий тушунча бўлиб, у куйидагиларни ўз ичига олади:

- одамлар орасида, одам билан автомат орасида, автомат билан автомат орасида ахборотлар алмашинуви;
- ҳайвонот ва ўсимлик дунёсида сигналлар алмашинуви;
- ҳужайрадан ҳужайрага, организмдан организмга белгиларни узатиш ва бошқалар.

Шунинг учун фойдаланилаётган соҳага боглиқ ҳолда. ахборот иқтисодий, техник, юридик, биологик ва бошқа хил кўринишда бўлиши мумкин.

Ҳозирги даврда инсон фаолиятининг турли соҳалари ичида ўзининг муҳимлиги билан ажралиб турувчи соҳа - бу ташкилий, яъни ишлаб чиқариш ва хўжалик ҳамда ижтимоий жараёнларни бошқарув соҳасидир. Бусиз барча соҳаларда фаолият юритиб бўлмайди.

■ Бошқарув нафақат саноат ва кишлок хўжаликларида, балки қурилиш, фан, маданият, транспорт, алоқа, маориф ва шу каби

соҳаларда, ҳамда муайян ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий фаолиятида ҳам зарурдир.

Инфратузилманинг ҳар бир таркибий қисми кибернетика, яъни бошқариш ҳақидаги фан атамаси билан боғлиқ бўлиб, катта мураккаб тизим сифатида қаралади. Тизим дейилганда унсулар (бошқариш объекти, бошқарувчи тизим, тўғри ва тесқари ахборот алоқа оқими) тўплами, яъни ягона тузилмада биргаликда таъсир этувчи ва мақсадга йўналтирилган *фаолиятни* тахминловчи тўплам тушунилади.

Бошқарув ахбороти жараён ҳисобланиб, тизимлар ҳолатини қандай ўзгаришига қараб қуйилган мақсадга эришиш учун етакчи йўналишдир. Ҳар қандай тизим тўғри ва тесқари алоқа тамойилидан иборатдир. Ижтимоий-иктисодий, жонли ва жонсиз ва ихтиёрий тизимни олмайлик, уларда доимо ички воситалар, яъни юқори ва паст даражадаги тизимлар доимо ўзаро алоқада ва ўзаро таъсирда бўлади. Ўзаро алоқа бевосита ахборотлар асосида амалга оширилади яъни тўғри алоқа оқимлари бўйича бошқарув мақсадини етказиб беради.

Ахборотлар назариясида ва кибернетикада ахборот тушунчаси билан ҳамма хабарларни эмас, балки объектни кўшимча таҳлил қилиш ёки ўрганиш жараёнида олдин олинмаган маълумотлар тушунилади.

Ахборот узининг мазмуни, моҳияти жиҳатидан турли-тумандир. Масалан, илмий, бошқарув, тиббий, экологик, ҳуқуқий ва шунга ўхшашлар. Ҳар бир ахборот ўзининг кўринишига қараб маълумот деб номланади.

Ахборотнинг статистик ҳолатига қараб, узоқ ва яқин муддатли ахборотлар фондида ёки маълумотлар базасида йигилади ва сақланади. Маълумотлар базаси (МБ) - муайян соҳадаги масалаларни аниқ қоида бўйича ечиш учун зарурий маълумотлар тўпамидир.

Ахборотнинг юқорида келтирилган ўзига хос хусусиятлари автоматик ишлов бериш тизимини яратиш жараёнида уни диққат билан прогматик, синтактик ва семантик таҳлил қилишда қаралади. Синтактик таҳлил - ахборотни йиғиш ва сақлаш, ишлов бериш, узатиш, қайд этиш, жамлашнинг техник воситалари мажмуасини танлаш учун зарурий, микдорий тавсифларни ўз ичига олган ахборотлар оқмиинимухим параметрларини ўрнатади.

Семантик таҳлил - ахборотнинг алоҳида унсурлари мазмунини тафаккур (фикрий) нуқтаи-назардан ўқиш имконини беради. Бунда келтирилган ахборотларни бир *қийматли* англашда тил бўйича мувофиқлик яъни инсон тили билан, ЭҲМ тилининг ўзаро мослик усуллари топилади.

Прогматик таҳлил - бошқарув учун фойдаланилган ахборотларни аниқлашда қўлланилади. Ишлаб чиқариш жараёнларига хизмат қилувчи, тақсимловчи, халқ хўжалигини ва унинг бўгинларини ижтимоий-иктисодий бошқарув масалаларини ечишни таъминловчи ахборотларга бошқарув ахборот дейилади. Бу ахборот ўзида турли хил иктисодий, технологик, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа хабарларни акс эттиради.

Ўзаро алоқада ва мулоқотда бўлиш инсоният эришган оламшумул натижалар ҳисобланади. Кишилиқни эркинликка интилиши ҳам ўзининг аҳамияти жиҳатидан ўта муҳим аҳамият касб этади. Мана шу икки категория телекоммуникация ва ахборот технологияларини ривожлантиришга асос булди ва ҳозирги кунда Ўзбекистон учун энг ривожланиш палласига кирди.

Цивилизациянинг ривожланиши билан алоқа воситалари ҳам ривожлана бормоқда. Бир биридан маълум масофада булган кишиларнинг ўзаро алоқаси симли равишда амалга оширилган (телеграф, телефон). XX асрнинг бошларида радионинг ихтиро қилиниши ўзаро алоқалар ва мулоқотлар эркинлиги янги революция поғонага кўтарди. Агарда биринчи телефоннинг пайдо бўлиши ва унинг кенг тарқалиши, қўлланилиши 50 йил мобайнида амалга ошган бўлса, ҳозирги кунда уяли телефон, пейджинг алоқаси, спутник алоқаси ва бошқалар жуда қисқа вақт ичида ривожланмоқда.

Масалан уяли телефондан фойдаланувчилар сони ҳозирги кунда 500 млн. кишидан ошиб кетди. Экспертларнинг маълумотларига кўра 2003 йилда уларнинг сони 1,0 млрддан ошиб кетади.

Кундалиқ ҳаётда энг янги алоқа воситалари билан боғлиқ бўлган “стандарт”, “протокол”, “рақамли ва аналогик алоқа” каби жумлалар кириб келмоқда. Шу муносабат билан, аниқ ва кенг ахборотларга талаб ортмоқда, алоқаларни ривожланиш истикболлари тўғрисида олдиндан маълумотлар керак бўлмоқда.

Телекоммуникация ва ахборот технологияларининг аҳамиятини куйидаги маълумотлар орқали англаш мумкин. Масалан Business Communication Company фирмасининг маълумотиغا кўра 90-йилларнинг бошларида электрон ахборотларнинг сотув ҳажми 2,0 млрд. АҚШ долларини ташкил қилиб, унинг 93,0% иш билан боғлиқ ахборотларни, 4,0% илмий-техникавий ахборотларни; 3,0% - иш билан боғлиқ бўлмаган ахборотларни ташкил этган.

90-йилларнинг ўрталарида электрон ахборотларнинг сотуви 2,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, унинг 1,8 млрд. доллари - АҚШга, 0,6 млрд. долл. - Гарбий Европага, 0,1 млрд. долл. бошқа давлатларга тўғри келган.

АҚШда телекоммуникация ва ахборот бозорлари давлат иқтисодий салоҳиятини ўсишининг муҳим омилига айланиб бормоқда. Масалан, ҳар бир америкаликнинг сарфлаган ҳар бир 10,0 долларидан 1,0 доллари «ахборотлар бозорига тўғри келади, ёки АҚШдаги ҳар бир оила ҳар йили ахборот бозорида 2000 доллар сарфлайди. Бошқача қилиб кенг маънода айтганда ахборот бозори АҚШ умумий бозор ҳажмининг 10%ни ташкил этади. Яқин ўн йилликда бу кўрсаткич 20,0% ни ташкил этиши кутилмоқда: XX асрнинг охирида, ижтимоий ишлаб чиқаришда ахборотлар меҳнат воситасига айланди. Ҳозирги кунда 3,6 млн. америкалик ушбу соҳада иш билан банд.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасидан меҳнат ресурсларини ахборотлар соҳасига олиши сезиларли даражада амалга ошмоқда. Бу ҳолатни юзага келишининг сабаби, маҳсулот ҳажмини икки баробар кўпайтириш учун унга

керак бўлган ахборотларни 4 маротабага кўпайтириш лозим бўлади, чунки бозор конъюнктураси, нархлар, стандартлар, конунлар ва бошка ахборотлар лозим бўлади. Бу ахборотлар рақобат муҳитида молиявий барқарорликни таъминлашнинг гарови ҳисобланади. Шу муносабат билан, ташки бозорни эгаллаш имкониятини кўлга киритмоқчи бўлган мамлакатимизнинг корхона ва ташкилотлари халқаро ахборотлар манбаларига кириб бориши лозим булади.

Халқаро ахборотлар тизимига уланиш мамлакатимиз корхона ва ташкилотларига қуйидаги имкониятларни беради:

1. Иқтисодиёт ва *молия* соҳасида - биржа, молия, тижорат, иқ-тисодий ва статистика ахборотларига эга бўлинади;
2. Иқтисодиётни давлат томонидан назорат қилиш соҳасида -статистика, демографик муҳит, социал аҳвол, тўғрисидаги ахборот-ларга эга бўлади. Бундан ташқари, ушбу кўрсаткичларнинг динамикаси, прогноз моделлари, баҳолари билан шугулланаётган давлат идоралари, компаниялари, илмий текшириш институтлари ва консалтинг компанияларининг ахборотлари;
3. Сиёсат соҳасида - дунё банкларининг аҳволи, магнатлар, алоқалар, келишувлар ва раҳбарлар тўғрисидаги ахборотлари;
4. Журналистика соҳасида - иқтисодиёт тижорат сиёсат соҳасида олдинги сарфларда турган ахборот воситаларининг янгиликлари;
- 5.Фан ва таълим соҳасида илмий ходимлар учун илмий-техникавий ва мутахасислик бўйича адабиётлар, ахборотлар ва бо-шқалар.

Коммуникация сузининг маъноси лотинча «communication» (communico-связываюсь) сўзининг лингвистик мазмунидан келиб чиқади.

Белгиларига қараб коммуникацияларни фаолият соҳасига боғлиқ ҳолда классификацияларга бўлиш мумкин:

-одамларнинг фаолият турига қараб;

-фаолият тармоғларига қараб;

-ривожланганлик даражасига қараб; тарқалиш муҳити ва майдонига қараб.

Коммуникациялар ривожланишининг илмий асослари ҳозирги кунда охиригача ишлаб чиқилмаган, шунинг учун коммуникация-ларнинг тармоқ (функционал) турининг классификацияси тугаллан-маган.

Кишилиқ фаолиятининг бошқа ҳар қандай соҳаларида булагнидек коммуникацияларнинг ривожланишида ҳам муаммолар кўп. Бу муаммолар худди административ, иқтисодий, геополитик соҳа-ларда бўлганидек кагта ва кичик ҳудудларга ҳам таулуклидир. Бу муаммолар биринчи навбатда Ўзбекистон учун долзарбдир.

Телекоммуникацияларнинг ҳудудий ривожланиш муаммола-рини икки гуруҳга бўлиш мумкин.

Бу муаммоларнинг ечими биринчи навбатда сиёсий ва ижтимоий барқарорлик билан боғлиқ. Иккинчидан, ҳудудларда маданият даражасининг ривожланишига (сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий).Учинчидан телекоммуникациянинг ривожланиши тинимсиз меҳнат талаб қилади.

Телекоммуникациянинг асоси бу алоқа. Алоқа (ахборот комму-никацияси) бу ахборотларни узатишга мослашган турли хил комму-

никацияларнинг биргаликдаги фаолияти маҳсулидир. Алоқанинг амалга ошишини ташкил этиш административ-худудий принципда амалга оширилади ва у бирламчи, иккиламчи ва магистрал тармоқ-дан иборат бўлади. Алоқанинг бирламчи тармоғи маълум худудда абонентларни улаши мумкин (корхона, ташкилот, шаҳар, вилоят).

Бирламчи алоқа тармоқлари орасида магистрал тармоқ ўтқа-зилган бўлади у эса бирламчи тармоқ абонентларини ўзаро боғлай-ди. Бирламчи, иккиламчи ва магистрал тармоқлар биргаликда давлатнинг ёки худуднинг ягона алоқа тармоғини ташкил этади. (2.1.-Расм).

2.1-жадвал

Худудлар телекоммуникациясининг ривожланиш муаммолари

№№	Жамият ҳаётида телекоммуникацияларнинг ахамиятини баҳоламаслик натижасида келиб чиқадиган муаммолар (ривожланишига иктисодий ёндашув)	Коммуникацияларнинг кўп тармоқлиги билан боғлиқ муаммолар.
1.	Телекоммуникациянинг ривожланишига асосланмаган попорцияларда маблағ ажратилиши	Телекоммуникацияларни ривожлантиришга мутасади булган ягона буюртмачининг йуклиги
2.	Ишлаб чиқариш ва ижтимоий сохалар телекоммуникациясининг номувофик (несбалансированнўй) ҳолда ривожланиши	Келишилмаган ҳолда маблағларнинг ажратилиши. Молиялаштириш учун ягона жамгармаларнинг йуклиги
3.	Коммуникацияларни ривожлантиришда ошиб колса ундан сунг деган принципни (остаточнўй принцип) куллаш	Турли тармоқларга тегишли коммуникацияларни эксплуатация қилиш.
4.	Телекоммуникацияларни ривожлантиришда худудий сиёсатнинг йуклиги	Турли тармоқларда коммуникацияларни ривожлантиришда турли хил стандартлар ва қарашларнинг мавжудлиги.

Бирламчи ва ягона алоқа тармоғи орқали турли хил ахборот-лар узатилиши мумкин: телефон, телеграф, факс ва бошқалар орқали. Шунинг учун бу ахборотларни кўп марта бир турдан иккинчи турга ўтказишни - коммутация қилишни (переобразование) талаб этилади.

2. Расм. Ягона алоқа тармогининг варианты

Ҳар бир бирламчи алоқа тармогининг ичида жуда кўп икки-ламчи алоқа тармоғи мавжуд булади: автоматик телефон тармоғи; корхоналар орасида телефон тармоғи; телеграф тармоғи; факсмил алоқаси; телевидение тармоғи, радиоэшиттириш тармоғи; ва бошқа-лар. Алоқа тармоғи ўз навбатида алоқа каналини ўз ичига олган алоқа линияларидан иборат бўлади.

Алоқа линиялари радио тўлқинларни тарқатиш трактига қа-раб қуйидаги классификацияга бўлинади: ҳаво орқали; кабел орқали (симли); раднореле орқали; спутник орқали; оптик тола орқали ва бошқалар. СИМ орқали

3. Расм. Алоқа турларининг классификацияси

Иқтисодий ахборотлар (ИА) ишлов бериш ва сақлаш жараён-ларига қараб бир-биридан бошланғич, ҳосилавий ишлов бермасдан сақланувчи, натижавий оралиқлар кабилар билан бир-биридан фарқ қилади. Бошқарув фаолиятини ифодалашга қараб ИАлар режавий, башоратли, меъёрий, технологик лойиҳалашга оид, ҳисобга олиш ва молиявий каби ахборотларга бўлинади.

Машинали ахборот тизимини яратишда асосан доимий ва ўзгарувчан иқтисодий ахборотлар вақтнинг маълум бир (узоқ ва қи-сқа) даврида ўзгармайди ёки жуда кам ўзгаради. Бундай ИАга маълумотномалар, меъёрлар, нархлар ва ҳоказолар киради. Ўзга-рувчан ахборотлар ишлаб чиқариш ва хўжалик операцияларини ба-жариш натижаларини ифодалайди ва машинада ишлов беришнинг бир технологик циклида иштирок этиб, уларнинг динамик хусусия-тига мос келади.

Доимий ИАлар даражасига баҳо бериш учун K_d доимийлик коэффициентидан фойдалани У қуйидагича аниқланади: (2.1)бу ерда: $AT_{ум}$ - ахборот тўпламларнинг умумий сони; $AT_{ўз}$, - қаралаётган даврда (йилда) ўзининг кийматларини ўзгартирувчи ахборотлар сони. агда $K_d > 0,85$ булса, ахборот туплам шартли мунтазам дейилади

Иқтисодиётни бошқаришда ахборот тизимини яратиш ва иш-латиш ахборот технологиясини ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Ахборот технологияси (АТ) ахборотга ишлов бериш, узатиш, излаш, сақлаш ҳамда йиғишнинг усул ва услубларининг тизимидир. АТ илмий фан сифатида информатиканинг предмети бўлиб, у маҳсулот ишлаб чиқариши, илмий тадқиқот ва инсон фаолиятининг шунга ўхшаш соҳаларини бошқариш ва тартибга солиш амалиётини, индустриал даражага кўчиришни таъминлайди.

Ахборот технологияси иқтисодий масалани ечишда қуйидаги муҳим амалларни, жумладан маълум бир вақт мобайнида ахборотни йиғиш ва рўйхатга олиш, ишлов бериш жойига узатиш, маълумотларни машина тилида кодлаш, сақлаш ва излаш, ахборотларни кўшимча нусха билан кўпайтириш (тиражини ошириш), ахборотдан фойдаланиш, яъни қарор қабул қилиш ва бошқарув таъсирини ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Ташкилий бошқарувда ва оммавий ахборот тизимлар мутахас-сисларга, раҳбарларга, қарор қабул қилувчиларга уз вақтида ишончли ва зарурий миқдордаги ахборотларни олишда ёрдам бе-ришга

мўлжалланган. Бу эса янги ахборот технологиясига ўтишни тақозо этади. Янги ахборот технологияси (ЯАТ) - компьютерни тадбиқ қилишга асосланган технология бўлиб, бу ахборот жараёнларида фойдаланувчи (дастурлаштириш соҳасида профессионал бўлмаган) фаол иштирок этади, муаммоли ва умумий масалаларни ечишда амалий дастурлар мажмуасидан кенг фойдаланилади.

Ҳозирга пайтда кундан кунга шахсий компьютердан кундалик ҳаётимизда, жумладан иктисодиётда кенг кўламда фойдаланилмоқда. ШК асосида локал ва кўп погонали ҳисоблаш тармоқлари яратилмоқда ва уларни жорий этиш ижобий натижалар бермоқда. Бу тармоқлар ўзида маълумотларга ишлов беришнинг яхлит компьютер тизимларини мужассамлаштирган. Маълумотларга ишлов беришнинг яхлит компьютер тизимлари (ЯКТ) маълумотларнинг тасвирлашни тизим компонентлари билан фойдаланувчи ўртасидаги ўзаро муносабатнинг ягона усулига асосланган, ҳамда мутахассислар ва уларнинг профессионал ишларда ахборотга ва ҳисоблашга бўлган талаб-бини қондирувчи мураккаб ахборот-технологик ва дастурий мажмуадир.

ЯКТнинг асосий хусусиятларидан бири иктисодий ахборотларга ишлов бериш ва узатишда ахборотларни ҳимоя қилишидир. Ҳозирда ИАнинг ҳимоя қилишнинг аппарат-дастурий усуллари кенг тарқалган бўлиб, уларда кучли ҳимоя хусусияти мавжуд, ҳамда си-фатли хизмат кўрсатиш имконияти катта. Манзилга ахборотни уза-тиш, қабул қилиш ва сақлашда хавфсизликлар қафолатланган, ҳамда шунга ўхшаш бошқа қулайликларга эга бўлган алоқа тизимларидан фойдаланиш усуллари мавжуд.

ЯКТ тамойилларини амалга оширишга, яъни йиғиш, сақлаш ва тизимдан кўп сонли фойдаланувчиларга ўз вақтида ишончли ахборот хизматини кўрсатиш учун, маълумотларни мунтазам равишда янгилаб туришга тизимни яратиш босқичидаёқ асос солинади. Шунинг эътиборга олиш керакки, ахборотлардан фойдаланувчилар нафақат бошқарув фаолиятидаги аниқ муаммоли соҳасидаги (ҳисобга олиш, режалаштириш, менежмент, маркетинг ва ҳ.к.) мутахассислардан, балки дастурий воситаларини яратиш ва амалиётга жорий этиш билан шугулланувчи дастурлардан ҳам иборат бўлади. Шунинг учун ҳам маълумотлар базасини (МБ) лойиҳалаш жараёнида предмет соҳаси, унинг унсурлари (элементлари), улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳар томонлама синчковлик билан тадқиқ қилинади. Нагжада МБнинг умумий тузилши схемаси кўп даражали моделлар кўринишида яратилади, ҳамда МБни бишқариш тизимларини (МББТ) танлаш имконияти тугилади. Бунда фойдаланувчи билан тизим ўртасида маълумотларнинг тузилиши ва тартиби бўйича келишилади, тизимга киритилувчи хато маълумотларни тўғрилаш усуллари ишлаб чиқилади, фойдаланилаётган массивларга зарурий чегаралашлар ўрнатилади ва ҳк.

Уларнинг ҳаммаси бошқа омиллар билан бир қаторда МББТни танлаш (ёки яратиш) пайтида эътиборга олинади.

Назорат учун саволлар:

1. Мулоқотлар ва алоқалар эркинлиги нима учун телекоммуникациянинг тез суръатларда ривожланишига туртки бўлди дея оламиз?
2. Уяли телефондан фойдаланувчиларнинг бутун дунёдаги сони қанчани ташкил этади?
3. Уяли телефон алоқасини амалга оширувчи ва Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган қайси фирмаларни биласиз?
4. Ҳозирги кунда электрон ахборотларнинг сотуви қандай суммани ташкил этади ва у умумий бозор ҳажмининг қандай қисмини эгаллайди?
5. Халқаро ахборот тизимига уланиш мамлакат корпорациялари ва ташкилотларига қандай ипмқониятларни очиб беради?
6. Коммуникацияга тариф беринг
Коммуникацияларнинг қандай типларини биласиз?
7. Телекоммуникацияни ривожлантиришнинг ҳудудий муаммолари нималардан иборат?
8. Алоқа турларнинг классификациясини келтиринг.

Таянч иборалар:

Телекоммуникация, ахборот технологиялари, телеграф, телефон, уяли телефон, пейджинг, радио стадарт, рақамли ва аналогли алоқа, тармоқ, космик, оптик, почта, фельдегер, электр, демографик мухит.

Изоҳли луғат:

Ахборот технологияси— ахборотга ишлов бериш, узатиш, излаш, сақлаш ҳамда йиғишнинг усули — услублари тизими.

Янги ахборот технологияси— компьютерни тадбиқ қилишга асосланган технология.

Иқтисодий ахборотлар— режавий, башоратли, меёрий, технологик лойиҳалашларга оид маълумотлар.

Маълумотлар базаси— муайян соҳадаги масалаларни аниқ қоида бўйича ечиш учун зарурий маълумотлар тўпламидир.

Семантик таҳлил.—ахборотнинг алоҳида унсурлари мазмунини тафаккур (фикрий) нуқтаи — назаридан ўрганишдир.

Прогматик таълил— бошқарув учун фойдаланилган ахборотларни аниқлашдир.

Коммуникация- лотин «соттшика Iюп» боғланаман демакдир.

Глобал— турли давлатларнинг ягона ахборот макони яратиш бўйича қилаётган конструктив ишларига кўмак беради.

Мавзу—3.Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда ахборот технологияларининг аҳамияти

1.Ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасида миллий кадрлар тайёрлашда ахборот технологияларидан фойдаланиш

2.Ташқи иқтисодий адоқаларни ривожлантиришда ахборотлар тизимидан фойдаланиш.

3.Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда Маркетинг Analytic 5-тизими аҳамияти.

Мутахассисларни тайёрлаш ва халқнинг билим даражасини ошириш мамлакат келажагининг асоси ҳисобланади. Таълим тизимини ривожлантиришда уни молиялаштириш ва ажратилган маблағларни самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги замон талаларига жавоб берадиган рақобатбарбардош кадрларни тайёрлаш учун биринчи навбатда фан ва техниканинг энг янги ютуқларини қўллаш телекоммуникация ва янги ахборот технологияларидан фойдаланиш катта самара беради.

Таълимни ривожлантиришда бундай қарашларнинг самарасини баҳолаш учун ривожланган мамлакатлар АҚШ, Канада, Япония, Ғарбий Европа давлатлари тажрибасига мурожаат қилиш мумкин. БУ давлатларда аҳоли жон бошига даромадлар миқдори 20 минг АҚШ долларидан кўпроғини ташкил этади.(8)

Масалан Японияда ўзининг дунёда эгаллаб турган статисини сақлаб қолиш мақсадида компьютер технологиялари ва ахборот тизимини ривожлантиришнинг дастурини ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда. Яқин йиллар ичида Японияда иқтисодчилар ва юқори даражали музандисларни тайёрлаш икки баробар кўпайтирилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб миллий кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш муаммосига катта эътибор берди. «Таълим тўғрисидаги» қонун ва Кадрларни тайёрлаш бўйича Миллий дастур қабул қилинди.

Юқори квалификацияли кадрларни тайёрлаш жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини ошишига, миллатнинг ижтимоий ва маънавий даражасини ўсишига ҳамда демократик жамиятни шакллантиришда катта аҳамият касб этади.(1)

Жамият ривожланишининг асосий кўрсаткичи сифатида аҳолининг саводхонлик даражасини киритилиши бежиз эмас албатта.

Бу курсаткич давлатнинг сиёсатини, иқтисодиётини ва маданиятини ривожланишини белгилаб беради. Экспертларнинг фикрига таълимга йуналтирилган ҳар бир бирлик маблағ олти марта куп булиб иқтисодиётга кайтади.

Телекоммуникациялар ва янги ахборот технологияларини укув жараёнига куллаш унинг сифатини оширишга таъсир курсатади.Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурида асосий омиллардан бири бу ягона ахборот майдонини шакллантириш, янги ахборот технологияларидан фойдаланиш эканлиги белгилаб қўйилган. Ҳозирги кунда талабаларни масофада ўқитиш • Iiinternet - оркали йўлга қўйилганлиги фан ва техниканинг ютуғи ҳисобланади.

Таълимнинг самарадорлигини қуйидагича аниқлаш мумкин:

Эқ CS. (3.1.)

бунда, С ўқитиш жараёнида тайёрланган мутахассис-нинг сифати

•S -ўқитиш жараёнининг харажатар


Самарадорликни баҳолашнинг барча вариантларини график сифатида кўрсатиш мумкин. (3.1.-расм).

Координата тизимида ўқитиш сифати ва харажатлар миқдорининг кесишиш нуқтаси самарадорлик ҳолатини белгилайди. Демак Э нуқтасини У ўқига яқинлашуви ўқитиш харажатларининг кучайишини, Х ўқига яқинлашуви эса ўқитиш сифатини усишидан дарак беради.

пасайиши

У
III II
Ўқитиш

Э



Кутилган оптимал натижа, самарадорлик чизигининг 45 градус бурчакдан ўтганида эришилади.

2. Ахборотларни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш маркетинг режасининг энг мураккаб томонларидан биридир.

Корхона истеъмолчининг эҳтиёжларини яхши ҳис қилгандагина фойда ола бошлайди. Бунинг учун "маркетинг текшируви" деб аталувчи, истеъмолчилар ва корхона орасида ахборот алмашиш тизими йўлга қўйилган бўлиши керак.

Ахборот йиғиш бу маркетинг текширувининг бирламчи босқичидир. Асосий босқичлардан бири - бу ахборотларнинг таҳлилининг амалга ошириш. Таҳлилқилинган, аниқлаштирилган ва унинг асосида хулосалар чиқордаган ахборотларгина бирон кучга эга бўлади.

Ҳаддан ташқари кўп ахборот йиғиш ёки уларга эга бўлиш ҳам маркетингларнинг муаммоларидан биридир, бунда ахборотларнинг аксарияти эътиборсиз қолиб кетади. Бундан ташқари, маркетинг ахборотлари жуда қисқа даврда ўзининг муҳимлигини йўқотиш хусусиятига эга, чунки бозор конъюктурасининг жадал суръатларда ўзгариб бориши, кечаги ахборотни бугунги кунда ўз долзарблигини йўқотишига олиб келмоқца.

Шу сабабли ахборот йиғиш учун вақт ва маблағларни сарф этишдан аввал қарор қабул қилиш учун корхона раҳбарияти қандай ахборот кераклигини ва уларни қаердан қилириш мумкинлигини аниқлаб олиши керак. Маркетинг ахборотларини ҳам корхона ичида (сотув ҳодоботларининг таҳлили, маркетинг стратегияси ва режаси, сотув бўлими ходимларининг фикр-мулоҳазалари ва ҳақозо), ҳам ташқарисида (истеъмолчилар ўртасида сўров ўтказиш, синаб кўриш учун товарларни сотиш) йиғиш мумкин.

Товарларни синаб кўриш учун сотиш усулини қўллаш мумкин, бироқ бу маркетинг ахборотларини йиғишнинг энг қиммат усули ҳисобланади ва бозор муҳити ва шароитларининг барчасини акс э!тирмайди.

Сўров ўтказиш анчагина арзонга тушиши билан бир қаторда истеъмолчиларни кўпроқ қатламларини қамраб олиш имкониятини беради. Сўров анкеталаш усули билан ўтказилади. Анкеталаш 3 хил бўлади. Бу бевостиа учрашув даврида берилган ахборотлар, телефон орқали анкета саволларига жавоб бериш ва почта орқали жўнатилган анкета варақларини тўлдириш.

Маркетинг ахборотларини йиғишда истеъмолчиларнинг қатнашувини талаб қилмайдиган кузатув усулини қўллаш ҳам мақсадга мувофиқдир ва у тўла-тўқис корхона назорати остида олиб борилади. Бунда юзага чиқмаган истеъмолчиларни кузатиш талаб этилади, яъни уларнинг қачон, қаерда, қанча, қанақа ва нима сабабдан харид қилишларини аниқлаш талаб этилади. Корхона ичида ёки ташқарисида йиғилган ахборотлар аввал таҳлил қилинади, сўнгра улар ҳақида ҳисобот тузилиб, корхона раҳбариятига тақдим этилади.

Маркетинг Analytic 5 - тизими.

Маркетинг Analytic 5 - бу мукаммаллаштирилган ахборот-таҳлилий мажмуа бўлиб, маркетинг тадқиқотларини автоматлаштириш ва фаолиятини стратегик ва тезкор режалаштириш учун мўлжалланган. Бу тизим корхона маркетинг фаолияти бошқарувининг ҳар бир босқичида унга мажмуавий ёндашишга имкон яратиб беради. Мажмуа модулли принципларга асосланиб яратилган бўлиб, 6 та асосий модулдан иборат:

